

# **ОТМ ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУН МОХИЯТИ**

ЖДПИ, Умумий психология кафедраси  
катта ўқитувчиси Н.М.Пўлатова  
Исламова Парвина, Педагогика ва психология  
йўналиши 2-босқис талабаси

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу макола бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, илмий ва инновацион фаолиятни ташкил этишдаги хорижий тажрибалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқсан.

**Калит сўзлар:** Илмий инновацион, инновацияларнинг глобал индекси, инновацион кадрлар бозори, бузғунчи инновациялар, бизнес-модел.

Бугунги даврда нафақат халқаро олий таълим майдонида, балки мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам инновацион фаолиятни йўлга қўйиш янги умумхажон тенденцияси бўлибгина қолмай, аксинча, табиий жараён сифатида барча олий таълим муассасалари фаолиятининг кун тартибига кириб келди. Жумладан, инновацион фаолият олий таълим муассасаларининг илмий фаолияти билан бирга уйғунлашган ҳолда таълим муассасаси фаолиятининг таянч йўналишларига ҳам сингиб кириб, бу йўналишларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тан олиб айтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари халқаро олий таълим сифатини баҳоловчи рейтингларинг юқори поғоналарига ҳали кириб боришлари учун имкониятлар етарли эмасдир. Шунинг учун ОТМ ларда илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш – бу олий таълим тизимининг нафақат эртанги кунини белгилаб берувчи, балки мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан гуркираб ривожланишини таъминловчи омиллардан биридир.

Айни давргача олий таълим тизимида илмий ва инновацион фаолиятнинг моҳияти, уни ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятнинг устувор йўналишлари ва бу соҳадаги фаолиятни молиялаштириш масалалари бўйича миллий ва халқаро миқёсда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилгандир.

Жумладан, К.Мухамедхонова (2014) ўз илмий-тадқиқот ишида иқтисодиёт инфратузилмаси ва жамиятнинг трансформациялашуви жараёнида таълим тизимининг тузилмасини оптималлаштиришнинг зарурияти юзасидан хulosалар беради<sup>1</sup>. Олий таълим муассасасида илмий ва инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни ривожлантириш даражаси кўп жиҳатдан фан ва иқтисодиёт реал секторининг интеграциялашуви даражасини, бу ўзаро ҳамкорликнинг шаклини белгилаб беради, олий таълим

<sup>1</sup>Мухамедхонова К. (2014) Социальная защита: на пороге нового этапа//Экономическое обозрение. – Ташкент, -№1(169). –Б. 30-39.

мутахассисларининг компетентлилик хусусиятларига ва якуний ҳисобда уларга талабнинг кучлилигига таъсир кўрсатади.

Бунда талабаларга таълим беришдаги урғу билимларни истеъмол қилишдан фикрлашнинг мустақил ташаббускор типини шакллантиришга, бўлажак битирувчи-мутахассиснинг ижодий илмий салоҳиятини ривожлантиришга олиб ўтилади. Бу шу билан боғлиқки, мустақил илмий иш жараёнида талаба одатдаги тартибда ўқиш жараёнидагига қараганда реалликнинг ҳар хил томонлари билан тўқнаш келади, бу эса уни илмий муаммоларни аниқлашга, уларни ҳал қилиш йўлларини топишга ва тадқиқ қилинаётган ижтимоий-иктисодий тизимларнинг ривожланиш йўналишларини белгилашга ундайди.

Тасдиқлаш мумкинки, илмий-тадқиқотчилик фаолияти илмий фаолликнинг бошқа шаклларини фаоллаштиради, илмий-инновацион йўналишларда фаолият олиб боришининг доирасини кенгайтиради.

Буларнинг барчаси олий таълим муассасасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотчилик ишлари даражасининг ривожланиши учун қуйидаги шартшароитларни яратиш заруратини белгилайди:

- илмий ходимларни тайёрлаш сифатини ва амалга оширилаётган илмий-техник чора-тадбирларнинг даражасини ошириш;
- олий таълим муассасалари талабалари ва докторантлари ҳисобига ёш истиқболли кадрларни мустаҳкамлаш йўли билан олий таълим муассасасининг илмий-инновацион салоҳиятини жамғарib бориш;
- илмий ва инновацион фаолият натижаларини долзарблаштириш ва тижоратлаштириш;
- ҳалқаро, миллий ва ОТМ лараро илмий-тадқиқотчилик дастурлари ва грантларда фаол иштирок этиш ва шу кабилар.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, олий таълим муассасасининг кафедраларида амалга ошириладиган илмий ва инновацион ишланмалар ҳамда тадқиотлар натижалари якуний ҳисобда ўқув-методик материалларга айланада ва таълим жараёнига жорий қилинади. Мана шундай қилиб, бу бакалаврлар, магистрлар ва докторантларнинг тайёргарлик сифатини оширишнинг харакатчан ва таъсирчан методига айланади. Шунга кўра, дунё бўйича миллий иқтисодиётларнинг инновацион ривожланганлигини тавсифловчи “Инновацияларнинг глобал индекси” (инглизчада - Global Innovation Index) тадқиқотида мамлакатлар худудидаги олий таълим муассасаларининг инновацион фаолият бўйича (инсон капитали ва тадқиқотлар; технологияларни ва билимлар иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда шу кабилар) амалга оширилган ишлари акс эттирилган<sup>2</sup>. Инновацион олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар ва хизматлар миллий иқтисодиётлар учун катта аҳамиятга эга ва улар турли хилдаги бозорларда – меҳнат ва инновацион кадрлар бозори, инновацион

---

<sup>2</sup>Глобальный инновационный индекс. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.globalinnovationindex.org/content.aspx?page=GII-Home>.

товарлар ва хизматлар бозори, инновацион таълим хизматлари бозори, кичик инновацион корхоналар ва стартаплар бозорида намойиш этилади.

Юқорида айтиб ўтилган рейтинг маълумотларига кўра, инновацион мамлакатлар рейтингида мамлакатимиз эгаллаб турган позиция ҳали паст даражада бўлиб, бу мамлакат инновацион ривожланиши чоратадбирларининг самарадорлиги ҳали сустлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, кўплаб миллий ва хорижий эксперталар ҳам мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти самарадорлиги ҳам паст эканлигини таъкидлаб ўтадилар: ихтирочи-олимларнинг аксариятида тадбиркорлик фикрлашнинг камлиги, инновацияларни тижоратлаштириш занжиридаги узилишлар ва олий таълим муассасаларининг инновацион экотизимида асосий элементларнинг етишмаслиги натижасида технологияларни ва ишланмаларни тижоратлаштиришга уринилар жуда катта мураккабликларга дуч келмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда олий таълим муассасаси инновацион фаолияти самарадорлиги тушунчасини аниқ мезонлари мавжуд эмас, бу эса инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича турли хил дастурлар орасидаги қарама-қаршиликларда ўз аксини топмоқда<sup>3</sup>.

Олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини тушунишдаги қарама-қаршиликларнинг намоён бўлиши шунда кўзга ташланадики, мамлакатимиз олий таълим муассасаларини 2030 йилгача бўлган инновацион ривожлантириш бўйича қабул қилинган концепциянинг 1-параграфи а-бандида кўрсатиб ўтилганидек “...хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар қўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиши”<sup>4</sup> белгилаб қўйилган бўлсада, лекин ҳалигача кўплаб ОТМ ларда бундай вазифаларни бажариш учун етарлича шарт-шароитлар яратилмаётганлиги ва бу йўналишдаги ҳаракатлар сустлиги бунга мисол бўла олади. Бунинг устига, ОТМ ларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастурнинг бажарилиши доирасида илмий-тадқиқотчилик фаолияти натижаларини тижоратлаштириш ишлари ҳам секин бораяпти, лекин таълим фаолиятидаги инновациялар, инновацион-маъмурий қайта ўзгаришлар бўйича бирмунча ишлар рўёбга чиқаришга ҳаракат қилингандир. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг фикримизча, мамлакатимиз ОТМ ларининг инновацион фаолияти деганда нималарни тушуниш,

<sup>3</sup>Ефремова П.В. Приоритетные направления развития инновационной деятельности отечественных вузов // Государство и бизнес. Экосистема цифровой экономики: Материалы XI Международной научно-практической конференции. СПб., 2019.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь, <http://uza.uz/posts/3271>.

инновацион фаолият ривожланганлиги даражасини қандай кўрсаткичлар билан аниқлаш, қандай омиллар инновацион ривожланиш даражасига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги масалаларни аниқлаштириб олиш зарур бўлади.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Мухамедхонова К. (2014) Социальная защита: на пороге нового этапа//Экономическое обозрение. – Тошкент, -№1(169). –Б. 30-39.
- 2.Глобальный инновационный индекс. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.globalinnovationindex.org/content.aspx?page=GII-Home>.
- 3.Ефремова П.В. Приоритетные направления развития инновационной деятельности отечественных вузов // Государство и бизнес. Экосистема цифровой экономики: Материалы XI Международной научно-практической конференции. СПб., 2019.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь, <http://uza.uz/posts/3271>.
- 3.Формирование научного мировоззрения студентов / М. Ш. Яхшиева, Ширин Камолова, Э. С. Эшонкулов [и др.]. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Чита, январь 2015 г.). — Чита : Издательство Молодой ученый, 2015. — С. 184-186. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/146/6908/> (дата обращения: 31.03.2021).
- 4.Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) / Ш. У. Камалова, Р. У. Мунарова, Н. А. Ахмедова [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1068-1070. — URL: <https://moluch.ru/archive/89/17662/> (дата обращения: 31.03.2021).
- 5.Malikaxon Qodirova, [МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING BILISH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
- 6.Malikaxon Qodirova, [МАШГУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 7.Malikaxon Qodirova, [O'SMIRLAR PSIXOLOGIYASI VA O'SMIR XULQ-ATVORINING O'ZIGA HOSLIGI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
- 8.Malikaxon Qodirova, [AGRESSIYANING NAZARIY ASOSLARI](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
- 9.Malikaxon Qodirova, [ВОСПРИЯТИЕ " Я " У ДЕТЕЙ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

10.Malikaxon Qodirova, ЧЕЛОВЕК И СТРЕСС, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

11.Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>

12.Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>

13.Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

14.Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.

1. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).

15.Dilfuza Qarshiboyeva, КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

16.Dilfuza Qarshiboyeva, IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

17.Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>

18.Toshpo'latova, N. (2021). CHET TILI FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3073>

19.Nodira Toshpo'latova, ПРИ ОБУЧЕНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ - УЧИТЬВАТЬ ПСИХИКУ УЧАЩИХСЯ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

20.Nodira Toshpo'latova, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

СИФАТИДА, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

- 21.Ахмедова Насиба Ачиловна, СОҒЛОМ МУҲИТ –СОҒЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ.<https://history.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2966/1982>
- 22.Ж.Мажидов.ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <https://scienceweb.uz/publication/865>
- 23.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИ БОЛАНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИГА ТАЪСИРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3076>
- 24.Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙИ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2962>
25. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>
- 26.Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>
- 27.Xamdamov, X. (2021). ЗНАЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3345>
28. Xamdamov, X. (2021). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1374>